

С. АЙНИЙНИНГ “СУДХЎРНИНГ ЎЛИМИ” ҚИССАСИДА ҚЎЛЛАНГАН АРАБЧА ТЕРМИНЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

Ҳасанов Аҳмад Иса ўғли

Ўқитувчи,

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети,

Самарқанд, Ўзбекистон

E-mail: ahmadhasanov23@gmail.com

Аннотация: Бугунги кунда ўзбек луғатининг салмоқли қисмини арабча лексемалар, терминлар ташкил этади. Мақолада С.Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” қиссасида қўлланган арабча терминларнинг баъзилари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: термин, арабча ўзлашма, диний термин, термин ўзлаштириш, содда термин, ясама термин.

Abstract: Today a significant part of the uzbek dictionary is made up of arabic lexemes, terms. In The Article, some of the arabic terms used in S.Ainiy’s story “The death of the usurper” are analyzed.

Keywords: term, arabic word, religious term, term mastering, simple term, term making.

Терминология соҳасида ўзга тиллардан ўзлашган терминологик бирликлар ўзлашаётган тилнинг терминологик тизимининг бойишига хизмат қилиши, табиий. Шундай бўлса-да, ўзлашган терминларни чуқур ўрганиш, уларнинг ўзлашиш сабабларини аниқлаш терминологияда ўрганилиши лозим бўлган масалалар сирасига киради. Ўзлаштира сўзларнинг ривожланиши вақт ўтиши билан содир бўлади, тилнинг тараққиёти ривожланишда давом этаркан, тилга янги терминларнинг ҳам ўзлаштирилиши ҳам давом этаверади. Адабий нутқда

бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар янги семантик майдонга ўрнашади. Ушбу параграфда биз “Судхўрнинг ўлими” қиссада қўлланган араб тилидан ўзлашган терминларнинг лексик-семантик структураси, этимологияси, ўзлашиш сабаблари ҳақида фикр юритамиз.

Бир тилга бошқа тилдан маълум соҳага оид терминнинг қабул қилиниши тил муҳитининг энг муҳим омилларидандир. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар сабаб маълум бир тилга бошқа тилларнинг луғат бойлигини ўзлаштириш, маданиятидан нусха олиш тобора ортиб бормоқда. Термин қабул қилиш сўз бойлигини бойитиш ва замонавий тилларни ривожлантиришнинг табиий усулидир. Термин ўзлаштирилиши тил илмида махсус ўрганишни талаб қиладиган лингвистик ҳодиса саналади. Мавзуга оид ўрганишлар натижасида термин қабул қилишга қуйидаги омиллар сабаб бўлади деган хулоса келдик:

1) Термин олиш икки тил (ёки маданият) ўртасидаги алоқа натижасидир. Бу эса ушбу тилларнинг лексик ўзаро таъсири жараёнини кўрсатади. Термин олиш янги тушунчаларни пайдо қилиш ва кейинчалик лексик-семантик ассимиляция қилиш зарурати шароитида юзага келади.

2) Термин олишга уни қабул қиладиган тилнинг ҳам ривожланиши сабаб бўлади. Қабул қилувчи тилда ўзлашма турли даражаларда ўзлаштирилади: фонетик, фонологик, морфологик, лексик-семантик, синтактик ва ҳоказо. Ўзгартишлар ўзлашмаларнинг тузилиши ва семантикасида ҳам, бу қабул қилувчи тилнинг тузилиши ва луғатида ҳам содир бўлади.

3) Термин олиш жараёнига ҳисса қўшадиган муҳим омил бу икки тиллилик ва кўп тиллилик бўлиб, у учун географик алоқа унчалик аҳамиятли эмас.

4) Ўрта Осиё минтақасида араб халқларининг кўп сонли экани бу минтақада яшовчи бошқа миллар вакилларининг араблар билан тарихий ва чуқур маданий ва тил алоқалари мавжудлигини кўрсатади.

5) Арабча лесемалар турк, озарбайжон, бошқирд, козок, дари, уйғур, тожик, форс, кумик, гагауз, шарқий кавказ, шунингдек, ўзбек тиллари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Аммо бу тилларнинг ҳар биридаги арабча сўзларнинг лексик-

семантик ҳолати ўзига хос хусусиятларга эга. Турли тилларга кириб бориш усуллари ва ассимиляция қилиш хусусиятлари билан фарқланади.

Бизнинг фикримизча, термин қабул қилишнинг ривожланиш динамикаси баъзан ижтимоий-сиёсий воқелик ва шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб, улар ҳам термин олиш жараёнини секинлаштириши, ҳам термин олишни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши мумкин.

Ўрта Осиёга VIII асрдан арабларнинг кириб келиши билан давлат тили араб тилига ўзгарди, араб маданиятининг кенг тарқалиши натижасида бошқа тиллар билан бир қаторда арабча сўзлар ҳам туркий тилдаги кўп сўзларнинг ўрнини эгаллади. Тилнинг кучли таъсири остида араб ёзуви амалдаги кўплаб маҳаллий ёзувларни ҳам истеъмолдан сиқиб чиқарди. Ислом дини таъсирида ўзбек тилига арабча кўплаб терминлар кириб келди. Улкан давлат халифалигининг ташкил топиши, Ўрта Осиё халқларининг мусулмон цивилизациясининг шаклланишига аралашуви, тиллар билан яқин алоқада бўлиш учун қулай шарт-шароит яратилиши ўзбек тилига арабча ўзлашувларининг кириб келишига сабаб бўлди. Ўрта асрлар жамияти ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ҳаётига араб маданиятининг таъсири ўзбек тилининг араблашувига олиб келди. Натижада арабча терминлар тилимизда барқарор ва устун мавқени эгаллади. Бугунги кунда ўзбек луғатининг салмоқли қисмини арабча лексемалар, терминлар ташкил этади.

Мамлакатимизда рус истибдоди ҳукмронлиги даврида маълум маънода ислом динига, арабча ўзлашмаларга феодал ўтмишнинг архаик мероси сифатида баҳо берилди. Кшпчилик араб ва форс-тожикча терминлар бошқа тиллардаги эквивалентлар билан алмаштирилди. Диний соҳага оид луғатлар қўлланилмай қола бошлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач худди шундай жараёнлар рус тили ва халқаро лексикадан ўзлаштиришга ҳам таъсир қила бошлади. Араб тилидан олинган терминлар тилга яна қайтадан кириб кела бошлади. Вазирлар Маҳкамаси қошида терминология қўмитаси тузилиб, унга ўзбек тилига кириб келган русча-интернационал сўзларни ўзбекча, агар топилмаса арабча, форс-

тожикча синонимлари билан алмаштириш вазифаси юкланди. Натижада совет даврида кенг қўлланилган кўплаб халқаро сўзлар арабча эквивалентлар билан алмаштирилди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, С.Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” қиссасида қўлланган арабча терминлар қуйидаги мавзу гуруҳларига оид:

1) шахснинг касбий фаолиятига оид терминлар: ноиб, амир, косиб, сайис, ҳаннот.

2) диний соҳа ва ислом ақидаларига оид терминлар: хужра, мадраса, маснавийхонлик, қабристон, минора, амир, сўйи, жаноза, мулозим, тобут, азон, жаноза, қироат, имом, аъза, ажал, шайтон, дарс, мударрис, сулукат, мачит, шайх, шаккоклик, кофир, назр.

3) иқтисодий терминлар: фойда, қарз.

4) муסיқага оид терминлар : ҳофиз.

5) ҳуқуқий терминлар: муурофаа.

6) озиқ -овқат терминлари: мураббо, ҳолвайи, канд.

7) ҳарбий терминлар: аскар, миршаб, қамамоқ.

Кўриниб турибдики, асарда қўлланган диний соҳага оид арабча терминлар салмоқли миқдорни ташкил этади. “Қуръони карим”да туркий сўзларнинг ҳам қўллангани араблар ва туркийларнинг ислом дини кириб келгунга қадар ҳам ўзаро алоқада эканини кўрсатади. Қиссада қўлланган айрим диний терминларни таҳлилга тортамыз.

Қироат – арабча “قرأ” сўзи ўзагидан олинган бўлиб, “Қуръон тиловат қилиш, ўқиш” каби маъноларни ифодалайди.

Қори – арабча “قرأ” сўзи ўзагидан олинган бўлиб, “Қуръон қироат қилувчи, ўқувчи” маъноларни англатади.

Қуръон – арабча “قرأ” сўзи ўзагидан олинган бўлиб, “ўқиш, жамлаш” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса, Қуръон Аллоҳ таолонинг Жаброил (алайҳиссалом) воситасида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га туширган, тиловати ибодат ҳисобланган Каломидир.

Оят – луғатда “мўъжиза, аломат, ибрат, далил” сингари маъноларни англатади. Истилоҳда эса, сураларнинг тугалланган маънога эга бўлаги “оят” дейилади. Қуръони карим 6236 оятдан иборат.

Пора – форсча сўз бўлиб, “қисм, жуз, бўлак” каби маъноларни англатади. Қуръони карим 30 порадан иборат. Ҳар бир пора 20 бетни, яъни 10 варақни ташкил этади. Пора маълум сура ёки оятлар адади билан белгиланмайди. Мисол учун, Бақара сураси 2 порадан зиёдрокдир. Айрим поралар эса ўз ичига бир неча сурани олган, жумладан, 30-порада 37 та сура жой олган.

Қори-Ишкамба у кеча ҳеч ухлай олмади. Тонг қоронғиси билан туриб, **тахорат** қилди, хотинлари **хатмий қуръон** қилган кундан бери қўлига олмаган **қуръонни** тоқчадан олиб, бир-икки **оят** ўқиб, «императори **муаззам**» ҳақиқа **дуо қилди**, қайтадан тахтга келишини тилади (68-б).

Мазкур жумланинг ўзида араб тилидан ўзлашган таҳорат, хатми Қуръон, Қуръон, оят, муаззам, дуо терминлари қўлланган. Тилимизга ўзлашган арабча терминларнинг аксарияти юқорида таъкидланганидек, мадраса, дин, дават тузуми билан боғлиқ.

— Бизнинг ҳаммамизнинг бу мансабларга етишмоғимиз учун бу кунги бу мансабларда турганларнинг ўлмоқлари ёки бу мансаблардан тушмоқлари керак, — деди бир **муллавачча** ва қўшимча қилди, — сизнинг бу дуоингиз ҳалиги мансаб эгалари учун бир **қарғиш**дир, агар улар эшитиб қолсалар, сизни «**хар мурд**» қилиб ўлдирадилар.

Келтирилган мисолда араб тилидан ўзлашган дуо терминига қарама-қарши маънода қарғиш термини қўлланган. Тил тараққиёти давомида баъзи бир сўзлар маъноси кенгайди ва натижада уларга мос тарзда синоним, антоним сўзлар пайдо бўлади. Худди шу ҳолатни дуо-қарғиш муносабатида кўриш мумкин. Демак, дуо ижобий муносабат билдирувчи термин бўлса, қарғиш унга қарама-қарши маъно ифодаловчи, ёмон ният тилаш маъносида қўлланади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизга араблар истилосидан кейин ўзбек терминологияси ва лексикографияси араб тилидан кириб келаётган ўзлашмалар

таъсирида ривожланиш палласига қадам қўйди. Араблар ҳукмронлиги вақтида ўзбек тили терминологияси янги тушунчалар ва уларни ифодаловчи ҳаддан ташқари кўп миқдордаги ўзлашмалар терминлар ҳисобига кенгайди. Соҳа терминологияси тизимининг вужудга келишида соф ўзбекча лексик бирликлар қатори арабча терминларнинг роли юқори бўлди. Бу жиҳат айниқса, диний соҳага хос терминологик тизимда яққол ифодасини топди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Алексеева Л.М. Проблемы термина и терминообразования: Учеб. пособие по спецкурсу. –П.: Перм. ун-т, 1998. — 250 с.
2. Мирзахмедова Х.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари: Филол. фан. фалс. док. (PhD)... дисс. –Т., 2017. – 141 б. Хорижий филология №2, 2020 йил 80
3. Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т.: ЎзМУ, 2000. – 424 б.
4. Султонова Ш.М. Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвимаданий хусусиятлари, филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертацияси, Фарғона, 2019.
5. Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси., Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация, Тошкент, - 1997. www.disnatlib
6. Умархўжаев М.Э. Диний атамалар ва иборалар. изоҳли луғати, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2016 й.